

Maarifat

معرفت
MARIFAT

1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган

1992 йил 17 октябрь, шанба

№ 86 (6582).
Баҳоси 1 сўм 50 тийин.

Шу сонга телеграмма

МИННАТДОРМИЗ!

Ҳозирги кундаги иқтисодий аҳвол кўпчилигини қийнаб қўйганлиги сир эмас. Аммо шундай вазиятда одил ҳокимият халқимизга, жумладан ўқитувчиларнинг моддий аҳволини янада яхшилаш учун қайғурмоқда. Ўзбекистон Президентининг шу йил 8 октябрда эълон қилинган Фармони биз ўқитувчиларнинг қувончига қувонч қўшди. Ойлик маошларимизнинг 1,6 баробар оширилганлиги шарафли меҳнатимизнинг тақдирланишидир. Бунинг учун биз маорифчилар республикамиз раҳбариятига ўз миннатдорчилигимизни билдираемиз.

Бухоро вилояти Гиждувон районидagi 1-умумтаълим ўрта мактаб ўқитувчилар жамоаси.

Иқтисодий танглик шароитида биз маорифчиларнинг моддий ва маънавий ҳимоя қилинаётганлигимиз халқ таълимнинг барқарор бўлишига мустақкам асосдир. Бунинг учун Президентимизга, Халқ таълими вазирлигига чуқур миннатдорчилигимизни изҳор этаемиз.

Гиждувон районидagi Садриддин Айний номи 20-ўрта мактаб жамоаси.



Пешку районидagi 28-хунар-техника билим юртида ёшларга касб сирларини ўргатиш баробарида уларга тўлақонли нисон учун зарур бўлган хушхўлқилик— одоб-ахлоқни сингадириш борасида ҳам талайгина ишлар амалга оширилмоқда. Тасвирда: билим юрти директори Барот Шарипов ўқув-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари Ҳамид Очлов билан галдаги вакифалар хусусида суҳбатлашмоқда. Н. САИДОВ сурати.

ЯНА КЎРИШГУНЧА, АЗИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

КИНОФЕСТИВАЛЬ БАЙРОГИ ТУШИРИЛДИ

Тинчлик ва оқойишталик барқарор бўлган аванимиз, унинг пойтахти Тошкент элани олин яроқлар ила тўшалган куз фаслида ўзининг дўстларга вафодор, бай-намлилар макон эканлигини яна бир бор жаҳонга кўз-кўз қилди: бир hafta муқаддам тантанавор очилган Осий, Африка ва Латин Америкаси мамлакатлари XI Тошкент халқаро кинофестивали ниҳоятга етди. Алишер Навоий номидаги Санъат саройида уч китъа мамлакатлари XI Тошкент халқаро кинофестивалининг ёпилишига бағишланган тантанали йиғилишда эзгулик, тоғулик, халқлар ўртасидаги тинчлик ҳақида, меҳр-оқибат, бир-бирга ҳамдардлик, елкадошлик ҳақида гапирилди. Йиғилишми оған Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, кинофестиваль ташкилий комитетининг раиси Э. Самандеров мазкур тадбир муваффақиятли ўтганини, унинг уфқи яна кенга-

ЁШ ПАХТАКОРЛАР ЗАФАР ҚУЧДИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини иқтисодий жиҳатдан мустақамлашдек шарафли ишга муносиб ҳисса қўшиш учун бўлажак пахтачилик мутахассислари — ёш пахтакорлар ҳам астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Ана шундай жамоалардан бири — Фарғона вилоят Бешариқ шаҳридаги 4-сон хунар-техника билим юрти ўқув хўжалигида меҳнат қилган пахтакорлар зафар қучди. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига рапорт йўллади. Унда шундай дейилди:

«4-хунар-техника билим юрти маъмурияти қувонч билан шуни маълум қилдики, билим юртининг ўқув хўжалигидаги 31 гектарда пахта етиштирилиб, ҳар гектар майдондан 25 центнердан хирмон кўтарилди. Жами 76,5 тонна пахта йиғиб териб олинди ва режа 102 фоизга адо этилди. Ўқув хўжалигида пахтадан олинган даромад шу кунга қадар 1 миллион 500 минг сўмдан ортиди.»

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазир Ж. Ф. Йўлдошев билим юрти директори Гўлиб Турдиев номига телеграммага йўллаб, эришилган ютуқ билан ёш пахтакорларни, билим юрти жамоасини қизғин қутлади.

Тантанавор мусиқа садолари остида фестивал байроғи туширилди. Шундан сўнг Осий, Африка ва Латин Америкаси мамлакатлари XI Тошкент халқаро кинофестивали ҳакамлар ҳайъати бошлиғи, туркменистонлик машҳур кинорежиссер Ҳожикул Норлуевга сўз берилди. Ҳ. Норлуев ҳакамлар ҳайъати қарорини йиғилиш аҳлига маълум қилди.

Бешариқ шаҳридаги 4-хунар-техника билим юрти

Республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг ишларимизнинг фикрлаш доираси ҳам янгилана бошлади. Мустақил республиканинг фуқароси сифатида эркин фикрламоқдамиз.

Халқ таълимида ҳар бир масалага янгича ёндашиш сезилмоқда. Бунинг асосида амалга ошираётган ишларимиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Барча фанлар бўйича маҳаллий шароитга мослаштирилган дастур ва режалар тузишга ҳаракат қилдик. Бунинг учун тажрибали ва ижодкор ўқитувчилардан гуруҳлар туздик. Ташкил этилган ўн тўрт гуруҳда 160 нафар ўқитувчи фаол қатнашди.

Ҳар бир юмушни бошлашдан аввал мақсад аниқ бўлиши керак. Биз кўл ураётган ишга ҳам ана шундай талаблар қўйилди. Биринчидан, амалдаги дастурда бўлаётган ўзгаришлар 25—30 фоиздан ошмаслиги кераклигини назарда тутидик. Иккинчидан, тузатган режаларимиз республика ва қарош жумҳурятлар илм масканларига қўйилган талабларга мос келиши лўқийдиган марказимизда бўлди. Коммунистик ғоялар билан тўлиб-тошган матнлар ўрнига маҳаллий шароитга мос келадиган асарлар киритилди.

Ҳар бир ижодий гуруҳ ишлаш режаларини олдидан белгилаб олди: вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти ходимлари, Қарши давлат дорил-

Ўқитувчиларнинг август кенгаши ҳар йилгидан бошқачароқ ўтди. Олдидан белгилаб қўйилганлар эмас, балки истаган киши фикр ва муносабатини билдирди. Бу анжуманга мутахассис олимларимиз келишди ва «Қашқадарё адабий мухити»ни ўрганиш бўйича қимматли маслаҳатларини берди.

Район халқ таълими бўлимининг тавсияси билан олимларимиз ўқув йили мобайнида 4—5 марта ўқувчи ва ўқитувчилар билан учрашувлар ўтказишга, синфларда дарс ўтишга келишди олдик. Шунингдек, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг вилоятимиздаги бўлими раҳбари, ҳажвчи-ёзувчи Муҳаммад Очил бошчилигидаги ижодкорлар ҳам йил давомида келишилган муддатларда район мактабларида мароқли учрашувлар ва дарс ўтишга розилик билдиришди.

Амалдаги дарсликларнинг «умрини узайтириш» чорасини ҳам кўра бошладик. Бу борала, жумладан, меҳнат таълими бўйича анча ишлар қилинди. З. Қўлдошев раҳбарлигидаги гуруҳ аъзолари қишлоқ мактабни ва маҳаллий шароитдан келиб чиққан ҳолда ўн икки хил вариантни иш режасини туздилар. Булар орасида металл ишлаш, дурадорлик, ошпазлик каби йўналишдаги меҳнат турлари бор. Бундан ташқари, қадимий каштачилик, бадий безак берилди, унутилаётган миллий ки-

Ўзбекистон фуқаролари шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳасини зўр манфаат билан қизғин муҳокама қилмоқдалар. Ана шундай муҳокамадан бири яқинда Низомиёв номидаги Тошкент давлат педагогика институтини ўқитувчилари ва талабалари, Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институтини илмий ходимлари ўртасида ҳам бўлиб ўтди. Йиғилишда кўпчилик сўзга чиқди, тўқилганиб, илҳомланиб ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилишди улар. Ҳаяжонларнинг сабаби аниқ: истиқлол йўлига эндигина дадил қадам қўётган мустақил Ўзбекистоннинг илк Қомуси лойиҳасига бўлган қизқиқч ҳамма-ҳаммада катта. Чунки бу ҳужжат барча Ўзбекистонликларни қувонтириш билан бирга уларга ифтихор туйғуларини бахш ҳам этади. Очигини айтганда, халқнинг кенг муҳокамасидан ўтказилгач,

қабул қилинадиган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мустақилликка кафолат берувчи таянчлардандир. Лойиҳани кўпчилик ҳамнасабларим қатори мен ҳам синчилаб ўрганиб чиқдим. У ўзининг тамоман янгилиги, мустақил республика қонуничилигининг бош асоси эканлиги билан мени ғоят қувонтирди. Унинг бўлимлари ва моддалари республикамизнинг таниқли олимлари, мутахассислари томонидан ҳар томонлама ўйлаб-ёзилганлиги ақлол кўриниб турибди. Бироқ умумхалқ муҳокамасига қўйилган мақсад Конституция лойиҳасидаги жузъий камчиликларни бартараф этиш, кўпчилиги хоҳиш-иродасига кўра унга айрим ўзгаришлар киритишдир. Шу нуқтанга назардан институтимиздаги йиғилишда ҳам ўқитувчилар бир қатор ўз таклифларини айтди. Менда ҳам баъзи моддалар бўйича айрим фикр-мулоҳазалар туғилди. Масалан, Конституция лойиҳасининг 4-моддасида Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида гап кетди. Ҳақиқатан ҳам, ҳар қандай мустақил давлатнинг мустақил тили қонунаштирилиши шарт. Гарчи давлат тили тўғрисида махсус Қонуни қабул қилинган бўлса-да, уни амалга ошириш жараёнида ханузга-да сустаклиги давом этмоқда. Шўро ҳукуматининг ўтган 70 йиллик ҳокимлиги вақтида халқимиз ўз тилини ривожлантиришга, унга давлат маъноси беришга деярли эришолмади. Фақат йилгиланиш даврида бу масалани узиб-кесил ўргана қўйди: давлат тили тўғрисида қонун қабул қилинди! Шунга қарамай парократик тартибга ўрганиб қолган баъзи зиёлиларимиз Ўзбек тилини давлат тилига айлантириш эҳтишига қандайдир тўсқинлик қилиб келмоқдалар. Ҳанузгача баъзи юқори идо-

раларда ишларнинг Ўзбек тилида олиб боришмаслиги, мажбуриятини рус тилида ўтказилиши, баъзи муҳим ҳужжатлар рус тилида тайёрланиб, сўнг ўзбек тилига ўғирлиш ҳоллари учраб турибди. Шунинг учун ҳам Конституция лойиҳасининг 4-моддасига «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир» деган жумла киритилганлиги аниқ мушоҳида. Менимча, аниқ шу моддага мазкур фикрнинг янада ривожлантириш ва юқоридagi жумладан кейин «Ўзбекистон давлат тили ўзбек тилида олиб борилади» деган ибора киритилса, аниқ муддао бўларди.

Лойиҳанинг 40-моддасида фуқароларнинг билим олиш ҳуқуқлари ҳақида гап кетди. Шу моддага олий ва ўрта махсус ўқув юртларига ҳам тегишли бўлган фуқаролар ҳуқуқларини киритиш керак. Менимча, «Мактаб ишлари давлат назоратидадир» деган жумла «Таълим давлат назоратидадир» деб аталса, юқоридagi мақсад тўла кўзда тутилган бўларди.

Конституция лойиҳасида айрим русча сўзлар, атамалар ҳам учрайди. Масалан, 2 ва 42-моддаларда давлат органлари деган ибора ишлатилган. Бу ўринда орган сўзини қўлламасдан, эҳтимол, давлат ташкиллари деб аташ мумкин бўлар. Умуман, лойиҳадаги русча атамаларни ўзбекча билан алмаштириш мақсадга мувофиқ деб ўйлайман.

Қисқа қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси, айрим жузъий камчиликлардан қатъи назар, менимча, мустақил давлатнинг биринчи мукаммал Қомусидир. У билан чинакамгина фахрлансан арзийди.

О. КАРИМОВА,
Низомиёв номидаги Тошкент давлат педагогика институтини «Давлат ва ҳуқуқ асослари» кафедрасининг мудири.

Янгилаш даври, янгиланиш даври ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИГА ТАЯНИБ

фунуни олимлари, республика Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими ходимлари ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда, маҳаллий шароит ҳисобга олинган ҳолда мавзулар режалаштирила бошланди. Бу иш ниҳоятга етгач, аввал гуруҳ аъзолари, кейин эса мактаб раҳбарлари билан муҳокама қилинди. Камчиликлар айтилди, янги фикрлар билан тўлдирилди. Бу ўринда биз билан яқиндан мулоқотда бўлган ва ўзларининг қимматли маслаҳатларини берган Қарши давлат дорилфунунининг ўзбек тили ва адабиёти кафедраси олимлари, профессор Поён Равшанов, Тўра Нафасов, филология фанлари номзоди Бойназар Йўлдошевларга миннатдорчилик билдираемиз. Бу олимларимиз ҳамкорлигида Қашқадарё адабий мухити яратилди. 5—11-синф адабиёт дарсликлариди вилоятимиз Ёзувчиларидан Абдулла Орипов ижодига 8 соат вақт берилган бўлса, мумтоз адабиёт вакили Сайидо Насафий шунчаки санаб ўтиларди. Янги режада эса Қашқадарё адабий мухити вакиллари учун қарийб 190 соат вақт ажратилди. Воҳамизда ўндан ортиқ Насафийлар борлиги П. Равшановнинг «Адабий саҳифалар» асариди берилган. 1992 йилнинг сентябрь ойида нашрдан чиққан Б. Йўлдошевнинг «Насаф нафаси» китобида ўттиз уч нафар ёзувчининг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумотлар келтирилган. Тилшунос олим Т. Нафасовнинг тавсиясига кўра, 5—11-синфларда ҳуснхат билан ёзишни тиклаш, бир фикрни бир неча кўринишда ёза билиш, ёдан ифодали ўқишга эътиборни қаратиш назарда тутилди.

йимларни тикиш каби турларнинг мавжудлиги қувонarli ҳол, албатта. Барака Пулатова раҳбарлигидаги тарих ва жамиятшунослик, Сувоён Асоров бош бўлган рус тили ва адабиёти, Чули Қувватов етакчилигида тузилган бошланғич таълим, Сулаймон Сувонов бошчилигидаги жисмоний тарбия фанлари бўйича маҳаллий шароитга мослаштирилган режалар анча мукамаллиги билан ажралиб туради. Бошқа фанлардан яратилган режалар ҳам август кенгашида ва методик шўъбаларда яхши қабул қилинди.

Халқимиз иш бор жойда камчилик ҳам бўлади, дейди. Камчилигини тан олиб, уни тузатишга ҳаракат қилинса, иш натижаси самарали бўлаверди. Республика ўқув-методиқа марказидаги мутахассислар ишларимиз билан танишгач, ҳали анчагина камчиликларимиз борлигига ишонч ҳосил қилдик. Уларнинг тавсия ва кўрсатмалари асосида режаларимизни тўлдирдик. Ўқув йили жараёнида яратилган янгиликни аввало ўқитувчилар қандай қабул қилади, ўқувчиларга қандай етказилади — буни ҳаётнинг ўзи кўрсатади.

А. ХОЛОВ,
Ульянов район халқ таълими бўлими мудири.
К. НОМОЗОВ,
район методика кабинетининг мудири.
Э. ХОЛМУРОДОВ,
Ўзбек тили ва адабиёти бўйича ижодий гуруҳ раҳбари, 1-мактаб ўқитувчиси.

МУШТАРИЙЛАР ДИҚҚАТИГА!

Maarifat

1993 йил учун ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

Эшитмадим деманлар, обуна бўлиш
муддати жуда оз қолди—30 октябрда
яқунланади. «Maarifat»ни мунтазам
ўқийман десангиз, шу кунлардаёқ зудлик
билан унга ёзилиб олинг.

Обуна барча алоқа бўлимларида, иш
ва ўқуш жойларида жамоатчи матбуот
тарқатувчилар томонидан чекланмаган
миқдорда қабул қилинади.

Обуна баҳоси: бир йилга 264 сўм,
ярим йилга 132 сўм.

